



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 21 февраль, № 38 (7540)

Жума

Сайтига ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль кунли Анкара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, "Гебзе" уюшган саноат зонаси, "Зираат" банки, "Зорлу холдинг", "Жошқуноз холдинг", "Экзачибаши", "Байкар", "Дунягос", "Канимед саглик", "Бау глобал", "Хавелсан" каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича қилинаётган ўзгаришлар ва хорижий инвесторларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар

туркиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширди. Жумладан, охириги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди. Қўшма ширкатлар сони салкам мингтага кўпайди. Транспортда ташиш қўламлари жадал кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Туркия компаниялари мамлакатимизда қурилиш, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Бунда қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси назоратга олингани, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантирилаётгани

муҳим омил бўлмоқда. Масалан, 2019 йилда Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси иштирокида Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Мамлакатимизда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги юртимиздаги тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилишида фаол қатнашиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, азиз қардошим! Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Аваллаб, мана шундай ғоят муҳим ва шуқули маросимга таклиф қилганлари учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига, муҳтарам Эмин Хоним Олияларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман. Муҳтарам дўстлар!

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас қуч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.

Барчангизни қадрли биродарим Эрдоған Жаноби Олийларининг ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонаси билан самимий мувоабатдор бўлган.

Қадимий ва замонавий меъморчилик аънавалари, муҳандислик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, турк халқининг буюк ўтмиши, бунёдкорлик салоҳияти, бой маънавий оламининг ўзида ёрқин муҳассам этган бу маҳаббатли қошога ҳар қандай юксак таҳсинга муносибдир.

Агар азим Анкара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди.

Бу тенги йўқ маърифат қасри барчангизга, бутун Туркия халқига мувоабат бўлсин.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Биз Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳамisha миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда гўзал мамлакатининг Халқ кутубхонаси, иқтисодий, илмий ва маданий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида дунёда тобора раванак ва шухрат топиб бормоқда.

Замонавий йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришяётган барча ютуқлар замирида, авваллаб, инсон омилига, илм-маърифатга бе-

қиёс эътибор муҳассам эканини биз яхши биламиз. Сизларнинг бу борадаги ноб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан дўстлик ва ҳамкорлигимиз тарихида мулақо янги саҳифа очилди. Кеча бўлиб ўтган Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бу йўлдаги янги амалий қадамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилди. Биз барча аъзо мамлакатлар қатори Туркия билан муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Илм-маърифат ва китобхонлик маданияти бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир.

Мамлакатимизда 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилганимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган улугвор гоимизга тўла мос келади.

Азиз қардошлар!

Тарих саҳифаларига назар солсак, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги олис даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Рум элида туғилиб қамолга етган Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлганини биз ифтихор билан эслаймиз.

Ўз навбатида, Мирзо Улуғбекнинг садақатли шогирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказгани ва бу юрда аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшганини ҳам барчамиз яхши биламиз. Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий ҳам бобоси сингари атоқли аллома бўлиб танилган ва бунда турк илмий-маърифий муҳитининг улкан хизматлари борлиги, шубҳасиз.

Ўзаро маданий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз борганда, буюк шоир ва

мутафаккир Алишер Навоийнинг бу жараёнда ғоят муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Тарихий манбалар XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан мактублар ва элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлганидан гувоҳлик беради.

Туркиянинг машҳур олим ва адиблари Алишер Навоийни туркий дунёнинг энг буюк шоири, турк тилининг ҳимоячиси сифатида улуглаб келадилар. Туркия китоб фондларида беназир шоиримиз асарларининг 100 дан ортиқ қўлёзмалари сақланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Алишер Навоий бебаҳо ижоди билан бугун ҳам туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Қадрли анжуман иштирокчилари! Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боболаримиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик қилганлари, бу диёрда таълим олиб, янги ғоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биламиз.

Уша йилларда Абдурауф Фитрат, Мухаммадшариф Сўфизода, Саид Ахрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз Туркияда тахсил олганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуг ватандошларимиз турк маданияти ва адабиёт руҳида тарбия топганлар. Минг афсуски, уларнинг аксарияти мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлганлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракатининг ноб меросини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз.

Айни пайтда ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари билан бир қаторда замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам Туркияда

мунтазам нашр этилаётганини биз юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда буюк бобимиз Абу Райҳон Беруний номидagi университет фаолият олиб бораётгани бизни мамнун этади.

Гўзал ва бетакрор турк диёрида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб жой номлари — маҳалла ва марказлар, тақиялар юз йиллар давомида безавол сақланиб келмоқда. Бундай бағрикенглик ва дўстона муносабат учун Туркия раҳбарияти ва халқига яна бир бор ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъати қизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганилмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди.

Шу билан бирга, замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим.

Азиз қардошлар!

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат ҳазинасини ўзида муҳассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси марказини бунёд этмоқдамиз.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фикҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда.

Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом маъҳади, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси сингари олий ўқув юртиларида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар — Абу

Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафийга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидамыз. Шунингдек, улуг аллома — насли-насаби туркиялик бўлган Абдуллоҳиқ Фихривоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Нақшбанд бобимизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз.

2020 йил Бухоро шаҳри — "Ислом маданияти пойтахти", Хива шаҳри — "Туркий дунё маданияти пойтахти", деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йил давомида мамлакатимизда бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилади. Туркиялик муҳтарам олим уламуларимиз ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг азиз меҳмонлари бўладилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бирок, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини қутиб турди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон ва Туркия университетлари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга даъват этаман. Бу жараёнда Туркиянинг бугун очилаётган ушбу энг улкан кутубхонаси ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббускор бўладилар, деб умид қиламан.

Қадрли анжуман иштирокчилари! Бугун Туркияда катта шодиёна, таъбир жоиз бўлса, маънавият ва маърифат тўйи бўлиб ўтмоқда. Бизнинг халқимизда "Тўйга тўёна билан бормок лозим", деган ҳикматли сўз бор.

Шунга кўра, биз Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни келтирдик. Уларнинг орасида дунёда ўта ноб бўлган, Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган "Усмон Мухсафи"нинг моҳир хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси ҳам бор.

Бутун ислом оламининг фахри бўлиш мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг машҳур "Маснавий" асари қўлёзмасининг факсимиле наشريни сиз, азизларга тақдим этамиз.

Маълумки, буюк аллома Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" номли асари бутун дунёда шухрат қозонган. Бу китобни XVIII асрда истанбуллик табиб, шоир ва хаттот Мухаммад Рафиъ арабчадан турк тилига таржима қилиб, ўз қўли билан кўчирган. Биз келтирган китоблар ичида ушбу қўлёзманинг факсимиле нусхаси ҳам бор.

Айни вақтда "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом адабий ҳамкорлигимизнинг чуқур тарихий илдизларидан далолат беради.

Нафақат Туркия, балки бутун муслмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг "Улмас кўнгул" номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга "Сўзбоши" ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ижозатингиз билан Юнус Эмронинг дўстлик ҳақидаги шеърый сатрларини келтирмоқчиман:

**Менинг тилим — қуш тилидур,
Менинг қўлим — дўст қўлидур.
Мен булбулман, дўст гулидур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.**

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида "Туркий адабиёт хазинаси" руқнида 100 жидлик китоблар туркумини нашр этиш гоёсини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси ўлароқ, Юнус Эмронинг ушбу асарини ҳам Президент девони Халқ кутубхонасига тақдим этиш менга катта мамнуият бағишлайди.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз дўстлар! Сизларни бугунги тантанали маросим билан яна бир бор чин юракдан қўлайман.

Бу муваззам кутубхона Туркия халқи, Туркия ёшлари учун, илм-маърифатни юксак қадрлайдиган барча инсонлар учун чинакам маънавият саройига айланишини қодир Аллоҳдан сўраб қолам.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЛИМОНЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига махсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда 46 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, 730 гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони 1 221 гектарга етказилди.

Шу билан бирга, инновацион технологиялар асосида янги, серхосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётганлиги, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланимаганлиги оқибатида соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани.

Республикада лимончилик тармоғини янада ривожлантириш, илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, илгор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон етиштириш ҳажмини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва "Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмасининг:

"Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмаси номини "Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) деб ўзгартириш;

тажриба тариқасида Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини ҳузурида Уюшма иштрокида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни маъқулансин.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

кооперация шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда махсулот етиштирувчиларга етказиш; сертификатланган ва қафолатланган лимон қўчатларини етиштириш бўйича махсус қўчатхоналарини ташкил этиш ҳамда лимон қўчатларини етиштирувчи ҳўжаликлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

мавжуд иссиқхоналарни модернизация қилиш ҳамда серхосил, экспортбоп лимон навлари коллекциясини ва кўргазмали лимон плантацияларини яратиш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, экспорт ва импорт махсулотларини сертификатлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, шунингдек, манзарали ўсимликлар, гуллар ва қўлаамзорлаштириш экинлари қўчатларини етказиб бериш;

махсулот ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар ва қимёвий моддалар билан таъминлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни қайта ишлаш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш;

соҳани ривожлантириш бўйича хорижий технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, янгиликларга оид ролик ва махсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Марказ фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Уюшма билан биргаликда икки ой мuddатда:

Марказга Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини худуддан бино ва иссиқхона учун 12 гектар ер майдонини ажратилишини;

Уюшма, Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини ҳамда хусусий шерик ўтказиш учун томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги, Уюшманинг 2020 йил 1 мартдан бошлаб

лимонзорларни барпо этишнинг қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги;

янги барпо этиладиган лимонзорлар учун стандартларини (қўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди;

лимончилик тармоғини ривожлантиришда илгор хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини ташкил қилади;

лимонзорларни ташкил этиш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўради;

қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштрокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) раҳбарлари ва лимон етиштирувчилар учун ўқув-семинарларни ташкил қилади;

сертификатланган ва қафолатланган лимон қўчатларини етиштириш бўйича махсус қўчатхоналарни ташкил этиш ҳамда лимон қўчатларини етиштирувчи ҳўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳўкимликлари:

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларга лимон етиштирувчиларни бириктиради;

лимонзорлар учун талаб қилинган ер майдонларининг қисқа мuddатларда ажратилишини ва белгиланган стандартлар асосида барпо қилинишини таъминлайди;

хосилдорлигини ошириш ва махсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз мuddатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

в) қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштрокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар):

лимон етиштирувчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган махсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадқоқлаш ва экспорт қилиш бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади;

лимонзорларни барпо этиш ва уларни лизинг шартлари асосида узок мuddатда тадбиркорлик субъектларига беради, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис ажратди, илмий асосланган агрономик тавсиялар бериб боради;

лимон етиштирувчилар талаби асосида уларни лимон қўчатлари, минерал ўғитлар, ёнлиғи-мойлаш махсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлайди;

соҳа олимлари ва кўп иллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, лимон етиштирувчиларнинг малакасини ошириб боради;

г) махсулот етиштирувчилар:

кооперация талаблари асосида лимон қўчатларининг тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

лимонзорларни барпо этиш бўйича харажатларнинг қелишчилар қисми бўйича дастлабки тўловларни амалга оширади;

тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган махсулотларнинг белгиланган вақтда ва сифатда етказиб берилишини таъминлайди.

4. Қуйидагилар:

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишга тушадиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг маъносили рўйхати 1-иловага мувофиқ;

лимон етиштиришга ихтисослаштириладиган худудлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) лимонзорлар пахта ва галладан бўшаган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўлланган ҳолда барпо этилади;

янги лимонзорлар "Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ажратиладиган, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка қўмақлаштиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари

ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) 2020 йил 1 мартдан бошлаб кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон ҳўжаликларини, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига:

янги лимонзорларни барпо этиш ва қўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан; лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизгача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қўллаб берилади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4549-сон қароридан назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Аграр саноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

тихорат банклари билан биргаликда лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг камиди 100 миллион АҚШ доллари миқдориданги маблағлари жалб этилишини;

"Туробанк" акциядорлик тижорат банки билан биргаликда халқаро молия институтларининг 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линияларини лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бир ой мuddатда лимончилик бўйича 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантириш ҳамда уларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Бунда лимон қўчатларининг иссиқхона ва очик майдонда парвариш қилинадиган янги навларини яратиш, оналик қўчатзорларни ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига:

бир ой мuddатда лимончиликни ривожлантириш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ресурс тежовчи технологияларга асосланган лимонзорларни барпо этиш ва парваришлаш, махсулот етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш; икки ой мuddатда лимон экиш, парваришлаш, етиштириш, хосилини йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва экспорт қилиш масалалари бўйича фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликлари, томорқа ер эгалари ва тадбиркорлик субъектлари учун жойларда ўқув-семинарларни ўтказиш;

етаки хорижий институтлар билан лимончиликни ривожлантириш ва илгор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш бўйича илмий-амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ҳузурида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш бўйича кичик инновацион корхона ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бунда корхонанинг асосий вазифаси "фан — таълим — ишлаб чиқариш"нинг узвий интеграциясини таъминлаш, дарс маъмулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш ва талабаларда амалий қўнимчаларни шакллантириш эканлигига эътибор қаратилсин.

11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда университетнинг 3-босқич талабалари орасидан саралаб олинган талабалар учун цитрус,

субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш технологиялари бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрловчи махсус гуруҳларни ташкил этсин.

Бунда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш, замонавий технология воситалари билан таъминлаш Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. "Ўзстандарт" агентлигига халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос махсулот етиштиришни кўпайтириш, цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, жумладан, лимон махсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш юклатилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар бўйича илгор технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқларга оид махсус кўрсатувларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари, Уюшма билан биргаликда икки ой мuddатда 2020 йилда қўшимча 2,5 минг гектар ер майдонидида амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг маъносили рўйхатини шакллантирсин;

зарур ҳолларда, Уюшма таклифига асосан, мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси А. Д. Вахабов, қишлоқ ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Ж. Тешаев — ушбу қарор ижросининг ташкил этилишини, 2020 йилда амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг тармок жадаллари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши, лимонзорлар учун ажратиладиган субсидияларнинг мақсадили йўналтирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Н. Э. Нахминов — давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш, соҳада кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ф. Ж. Раҳимов, "Ўзбекэкоинвестхолдинг" компанияси бошқаруви раиси Т. А. Жалилов — халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши, ташқи бозорлар конъюнктураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши ва лимон экспорти географияси кенгайтирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳўкимлари — лимонзорлар барпо этиш учун ер майдонларини ажратиш, кооперация муносабатларини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳўкимларининг қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосарлари — лимонзорлар барпо этиш ва худудларни лимончиликка ихтисослаштириш чораларини кўрсин, "Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмаси фаолиятига қўмақлашсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 февраль

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ,
ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

(Давоми. Бошлангани 1-бетда).

Ўзбекистонга қизиқиш билдираётган турк компаниялари тиббиёт, таълим, машинасозлик каби соҳаларга инвестиция киритиш, халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали юқори саноатлашган махсулотлар ишлаб чиқариб, учинчи давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда бизнес мухити ўзгаргани, бюрократияга барҳам берилгани, хорижий инвесторларга эшиклар очилгани, уларга эркин ишлаши учун қафолат берилишини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистонда инвесторларга худди Туркиядаги каби барча шароит яратиб берилишини қайд этди.

— Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугун мамлакатимизга кирган компания албатта маънафат топади. Мен бунга қафолат бераман. Бунинг учун зарур ҳуқуқий, институционал шароитлар яратиб берилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили инвестиция бўйича қонун қабул қилинди. Бу қонун билан эндиликда Ўзбекистонда инвесторларнинг барча ҳуқуқи ҳимоя қилинади.

Президентимиз эндиликда туркиялик ишбилармонлар билан мунтазам мулоқот олиб борилиши, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 5 нафар ходим фақат инвестиция бўйича ишлашни таъкидлаб, турк тадбиркорларини фаолликка қорлади.

Ўрашувда келишувлар ва имзоланган битимларнинг кенг қўламада амалга ошириш, савдо, йнновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармокларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳими таъкидланди.

Туркиялик ишбилармонлар ўтган йили Ўзбекистонга боргани, иқтисодиётнинг барча тармокда ўзгаришларга, одамларда "ислохотлар тафаккури"га гувоҳ бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон бозорига кириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини билдирди.

Шу билан бир қаторда "Ronesans Holding"

билан "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалик кон-металлургия комбинатида 4,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек, шифохоналар ва савдо марказларини қуриш бўйича умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди.

Ўрашувда Ўзбекистон билан Туркиянинг вазирлик ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро махсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, клиникалар ва олий ўқув юрталари ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Президентимиз бр режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фурсатларда амалий ишларга ўтиш, бюрократик тўсиқларсиз уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоган ташаббуси билан бунёд этилган ушбу мажмуа Президент қароргоҳидан ташқари турли давлат муассасалари, конгресс-хол, маданият маркази, масжид ва Халқ кутубхонасидан ташкил топган. 4 миллион босма нашр ва 120 миллиондан зиёд электрон файллардан иборат фондга эга кутубхона хизмат даражаси бўйича дунёдаги энг улканларидан биридир. Ушбу маънавий бойлик маскани Президент қароргоҳи — Жумҳур башканлиги саройи ёнида қурилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатади.

Кутубхона архитектураси, шунингдек, бутун мажмуа лойиҳаси турк муҳандиси Шафик Бирке томонидан миллий меъморлик ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда ишланган. Лойиҳани яратишда бир қанча ривожланган давлатлар зиё масканлари, АҚШдаги Президент кутубхонаси, Буюк Британия, Франция миллий кутубхоналари тажрибалари ўрганилган.

Кутубхона қурилиши 2015 йили бошланган. Умумий майдони 125 минг квадрат метрдан иборат бинонинг асосий қисми 11 қават бўлиб, марказий катта гумбаз ва фойе, ўқиш ва кўп тармақли заллар, қадимий кўпёзма адабиётларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўргазма майдонлари, болалар учун аудио ва видео кўриш хоналари, нашрларни сақлаш фондлари, кафелар, ресторанлардан ташкил топган.

Ушбу маърифат маскани энг замонавий техник имкониятларга эга бўлиб, янги форматдаги кутубхона хизматларини ўзида мужассас этган. Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон — олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндлари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти томонидан таклиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Бунда ҳам ўзига хос чуқур маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг китобга меҳри, китобхонлик тарғиботида эътибори бўлакча. Маърифат, таълим, ёшлар тарбиясига оид халқаро ташаббуслари ҳам барчага маълум. Жорий йил Ўзбекистонда "Илм, маърифат ва раҳамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинган ҳам илмга эътиборнинг яна бир далолати.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шундай муҳим ва шуқули воқеага таклиф учун миннатдорлик билдириб, қардош турк хал

Янги Ўзбекистон — янги парламент

Аҳолини рўйхатга олиш нима учун муҳим?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи йиғилишида қўриқ палата ялпи мажлисида муҳокама этилиши назарда тутилган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сенаторларнинг сўзлари-га кўра, аҳолини рўйхатга олишни қонун йўли билан тартибга солишдан мақсад демографик, иқтисодий-иқтисодий статистик маълумотларни шакллантириш ва кел-гусида улардан миллий, минтақавий ҳамда халқаро миқёсда фойдаланишдан иборатдир.

Аҳолини рўйхатга олиш унинг сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, бандлиги, миллияти, фуқаролиги ҳамда бошқа иқтисодий ва иқтисодий хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Шу жihatдан, ялпи маълумот кўриб чиқилган мазкур қонун рўйхатга олиш жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш таъминлари, бутун республи-

ка миқёсда ўтказилган оммавий тадбирнинг ташкилий услубларини аниқлаш, қайта ишлаш, умумлаштириш, унинг натижаларидан фойдаланиш ва тарқатиш, аҳолини рўйхатга олиш субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий асос яратди.

Йиғилишда иштирок этган Сенат аъзолари ва экспертлар қонуннинг қабул қилиниши аҳоли таркибидagi глобал ўзгаришларни баҳолаш имконини беришини қайд этди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш умуман ўтказилмаган бўлиб, мазкур тадбир илк мартаба амалга оширилгани белгиланди, — дейди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Робохон Маҳмудова. — Сўнгги бор юртимизда ушбу фаоли-

ят 1989 йилда ўтказилган. Умуман олганда, рўйхатга олишнинг муваффақиятли чиқиши — фуқароларимизга тақдим этиладиган саволларнинг мазмун-моҳиятини қанчалик тўри тушунишга қараб. Шу боис сенаторлардан ҳам рўйхатга олиш бошланишидан аввал аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб боришда фаоллик талаб этилади. Бугунги йиғилишимизда қонуннинг тарғиботи ва ташвиқоти масаласи ҳам ба-тафсил кўриб чиқилди.

Қонун аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қолаверса, у аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлашни ҳам таъминлайди.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЛАРИ ВАЪДАЛАРИНИ БАЖАРМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари раҳбарлигида депутатлар ўз сайлов округларида, жойларда, ҳудудларда бўлиб, қизгин иш олиб бормоқда.

Халқ вакиллари аҳолини қийнаётган масалаларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда уларнинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратапти. Масалан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда партия Марказий Кенгаши ходимлари-дан иборат ишчи гуруҳи шу кунларда Жиззах вилоятида аҳоли билан учрашиб, уларнинг муаммоларини атроф-лича ўрганимоқда.

Бундан кўзланган мақсад аниқ: сай-

ловолди ташвиқот учрашувларида сайловчиларга берилган ваъдаларини бажариш, партиянинг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг ижросини ўрганиш, мактабга таълим, мактаблар ҳамда маҳаллалардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш, муаммо ва камчиликларни аниқлаб, бўйича тақдирлар олишдан иборатдир.

Дастлаб Жиззах политехника инсти-тутида ўтказилган йиғилишда депутатлар ва маҳаллий партия ташкилотлари

сайловчилар ишончини оқлаш, жойлардаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш, аниқланган муаммолар ечими бўйича тақдирлар тайёрлаш олинди. Зарур топшириқлар берилди.

Шунингдек, "Жойлардаги иқтисодий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва депутатларнинг ўрни" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда депутатларга зарур маълумотлар берилди.

Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманида олиб борилган ўрганишларда ишчи гуруҳи аъзолари мактабга

таълим ва таълим муассасалари, маҳаллаларда бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар билан танишди. Муаммо ва камчиликларни ўрганиб, маълум раҳбарлар, ишчи ва хизматчилардан тақдирлар олишди.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда. Уларда аниқланган масалалар юзасидан фракция йиғилишида тегишли вазирларнинг айтишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Бу каби ўрганиш ишлари бошқа сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари аъзолари томонидан ҳам ўтказилмоқда.

«Халқ сўзи».

ТАЛАБАЛАРНИНГ «ГАЛСТУК»ЛАРИНИ ЭМАС, БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ТЕКШИРИШ ДАВРИ КЕЛДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мамлакатимизни яқин ва ўрта муддатда жадал ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини ўз ичига олган мазкур устувор йўналишлар халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Шундай экан, улар ҳар биримизга дахлдор ҳисобланади.

Муносабат

"Демократик ислохотлар йўли — биз учун ягона ва энг тўғри йўлдир", дейилади Мурожаатномада. Тараққиётнинг барча босқичида илм-маърифатга бош мезон сифатида қаралсагина, ана шундай прогрессив ислохотларга ўз вақтида самарали эришилади.

Бинобарин, юртимизда 2020 йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш йили" деб ном берилди ва шу бўйича чора-тадбирлар, уларни амалга оширишнинг аниқ йўллари ўртага ташланди.

Хусусан, Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптимallasштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни кириш жараёнидаги содда-лаштиришга, олий ўқув юр-тларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур", деган фикрларни на-фақат биз, халқ вакиллари,

балки илмий-академик доиралар, ёшлар, қисқаси, барчамиз кўтаринки кайфият ва юксак масъулият ҳисси ила қарши ол-дик. Зеро, бу сўзлар бугунги кун билан бирга, келажак учун ҳам стратегик жиҳатдан долзарбдир.

Келинг, шу ўринда бу бора-да ўз тақдирларим билан ҳам ўртоқлашам. Таълимда ўқиш савиясини сезиларли даража-да ошириш йўлидан бири — олий ўқув муассасаларига кириш имтиҳонларини объектив ташкил этишдир. Чунки бизда бу жараён ўта муҳим бўлиб, шаклан шафдоф, асли-да эса узоқ вақтлар давомида гурбат ўқоғи бўлиб келганлиги кўпчиликка аён. Агар мактаб-ларда ҳақиқатан яхши ўқиган ўқувчилар ОТМга ўқишга кир-саю, қонқарсиз ўзлаштирилган талабалар бахтига мусасар бўла оламиз — бу натижа таъ-лим тизимида ҳар қандай тад-бирдан кўра қучиқроқ эффект

бериши, шубҳасиз. Шу сабаб-ли соҳада энг катта эътиборни шу мақсадга қаратиш ўринли-дир. Чунки олий ўқув ортга-да ўқишга киришнинг ягона йўли — мактабда яхши тахсил олиш бўлсагина, билим орттиришга қизиқиш ўз-ўзидан қувачиди.

Таълимдаги яна бир муам-мо, салоҳияти талаб даража-сидagi ўқувчилар томонидан ўқувчилар билиминини объектив баҳолаш бўлса, иккинчиси, бу йўлда ғов бўладиган ҳолатлар-ни йўқ қилишдир.

Кейинги йилларда ўрта таъ-лимда ҳам, олий таълимда ҳам педагогларнинг моддий таъмин-оти давлат томонидан сези-ларли даражада яхшиланди. Бирок уларнинг ишида бунга мисо жазоб фаоллиги сези-лаётгани йўқ. Десаюк айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Фикримизча, энди билим бе-ришга муносабатини қатъий ва тубдан ўзгартириш керак. Яъни дарсларни "ўтиш" эмас, балки ўргатишга ариштириш лозим. Бу — замон талаби. Мурожаатно-маннинг тўб мақсади ҳам шун-дан иборатдир.

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Мактаб-ларда ва олий таълим муассас-саларида аудиториядаги фао-лиятни баҳолаш учун етарли эътибор ва моддий-техник база ажратилган. Шунга қарамай, текширишга келган мутасадди-лар ўқитувчиларнинг тегишли

ҳужжатларини, талабаларнинг "галстук"ларини санаб чиқиш-дан нари ўта олмайдилар. Оқибатда ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам билим даража-си мазкур бўлиб қолаверади. Натижавий ҳисоботлар эса ра-вон бўлади. Энди бундай ҳолатларга барҳам бериш пай-ти келди.

Мурожаатномада "зорий йилда математика, кимё-био-логия, геология каби йўналишлар-да фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилади", дейилган. Айниқса, рақамли иқтисодиёт-ни ривожлантиришда матема-тика фанининг роли муҳим эканлигини таъкидлаш жоиздир. Ўрни келганда, немис классик файласуфи Иммануэл Кантинг "Фан таркибиди математика қанча бўлса, шунча ҳақиқат бор", деган образли фикрини рақамли иқтисодиётнинг фан-дан ҳам айтса бўлади. Агар мате-матик моделлаштириш ва ин-форматикадан ўрнили фойдала-нилса, жуда мураккаб жараён-ларнинг ҳам математик моде-лини яратиш мумкин бўлади. Зеро, математик моделлар тадқиқот учун қулай, ишончли ва тежамлидир. Айни ҳолда ма-тематик методлар иқтисодий фанларнинг таркибий қисмига айланган бўлиб, қатор иқтисо-дий моделлар ҳам яратилган. Иқтисодиёт бўйича Нобель му-

кофоти олган тадқиқотчилар-нинг деярли барчаси матема-тик моделлаштириш мето-дидан фойдаланиб, ана шундай юксак натижаларга эришганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Д. Хикс, Р. Соллоу, В. Леонтьев, П. Самуэльсон, Л. Кантович кабилар ана шундай буюк олим-лар сирасига қиради.

Ўзбекистонда ҳам матема-тика фанининг нуфузи жаҳон талаби даражасида эканлиги қувончлидир. Айниқса, акаде-мик Ш. Аюпов раҳбарлик қилаётган илмий-текшириш институтидан олиб борилаётган тадқиқотлар таҳсинга лойиқ. Фақат уларни амалиёт билан боғлаш, фаннинг ютуқларидан амалий фойдаланиш каби муҳим масалалар ўз ечимини қўпти. Бунинг учун, Мурожаат-номада таъкидланганидек, "Илм-фан ютуқларининг элек-трон платформаси, маҳаллий ва хорижий ишланмалар база-сини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш шарт". Маз-кур устувор вазифаларни рўб-га чиқариш учун эса мамлака-тимизда пойдевор мавжуд.

Нодир ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

БУЮК ЖАСОРАТ
ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига ҳам қора кунларни солди. Ҳамюртларимиз инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли урушда мардларча жанг қилди, қанчадан-қанчаси оловли жанггоҳларда ҳалок бўлди, қанчаси юртимизга ярадор, ногирон бўлиб қайтди. Кўп-кўп болалар етим қолди. Юртимиз аҳолиси очарчилик, йўқчиликдан қаттиқ азоб кечди. Бироқ шундай қийин дамларда ҳам халқимизнинг қадди букилмади. Қийинчиликка бардош берди.

Ана шундай оғир дамларда ай-рим ўзбек оилалари турли миллат-га мансуб болаларни ўз бағрига қабул қилиб, етимларнинг бошини силади, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Бу халқимиз томонидан қўрилган буюк жа-сорат, инсонийлик ва бағрикенг-лигининг чинакам намунаси эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга Россия, Украина, Бе-ларусь ва бошқа республикалар-дан минглаб аҳоли қўчириб келин-ган. Архив жамғармаларида сақ-ланаётган ҳужжатларда уруш йил-ларида Тошкент шаҳрига 30 дан ор-тиқ турли миллат вакиллари қўчириб келтирилганига қайд этилган. Чўночи, 1941 йил сен-тябрь — 1942 йил август ойлари ораллигида пойтахтимизга жўна-тилганлар сони 76 943 кишини ташкил қилган.

Жумладан, 1942 йилнинг фев-

раль ойида Тошкент шаҳри 16 — 59 ёшлардаги 12 минг 71 нафар эркак, 24 минг нафар аёл, 7 минг 500 га яқин ёш болалар, 6 минг 583 ўсмирни ўз бағрига олган. Шунлардан 13 минг 126 нафари иш билан таъминланиб, 4 минг 600 ки-шига 138 минг рубллик моддий ёрдам кўрсатилган. Уларнинг ҳам-маси йўл-хўй, озиқ-овқат билан таъминланган. 1941 йил декабр-дан — 1942 йил 17 ноябргача Тошкентга қўчирилган 33 минг 348 нафар аҳолига яшаш учун 349 444 м² жой ажратилгани маълум.

Шаҳар архивида 1942 йил январда минглаб ёш болалар Тошкент шаҳрига қўчириб келти-рилиб, Мехрибонлик уйларига жойлаштирилгани, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлан-ганига тўғрисидаги материаллар сақланмоқда. Уша йилнинг 2 ян-

варида ўтказилган хотин-қизлар йиғилиши-да минглаб аёллар катнашган. "Ўзбекис-тонда бошпанасиз, оналик меҳри ва эъти-боридан бебаҳра қол-ган бирорта ҳам бола бўлмаслиги керак!", деган шior остида ўзбек аёллари кўп-лаб ёш болаларни ўз қарамоғига олган.

Архивда, шунинг-дек, Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими-нинг воёга етмаган-ларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва етим болаларни қарамоққа олиш бўйича мажлис қарорлари сақланади. 1941 йил 3 декабрда-ги 102-қарор ҳужжатида етим эти-лишича, тикувчилик фабрикаси ишчиси В. Е. Рейнбойм Исак (15 ёш), Яков (13 ёш) ва Мария (11 ёш) исмли болаларни ўз тарбиясига олиб, ўз фарзандлари билан бир-га 6 нафар болани воёга етказган.

Шунингдек, Октябрь райони, Жарарик қўчаси, 138-уйда исти-қомат қилган темирчи Шоахмат Шоахмудов ва унинг рафиқаси Бахрихон Акромова (Шоахмудова)нинг 1942 йил 14 июлда Воёга ет-маганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилувчи бўлима (СПОН)га ёзган аризасида мазкур оила бо-лалар уйддан тўрт нафар болани фарзандликка олганликлари қайд этилиб, Тошкент шаҳар ёш бола-лар уйидан 1941 йилда турилган бир ёшлик Владимирни ҳам фар-зандликка олиш истаги баён қилинган. Улар болаларни ўз фар-зандларидек тарбиялаб, келажикда

имкони борица яхши ота-она бўлиш мажбуриятини бўйнига олганлар.

Умуман, Шоахмудовлар уруш йилларида етим ва қаровсиз қол-ган жами 13 болани ва урушдан сўнг яна 3 болани тарбиялаб, воё-га етказган. Улар орасида рус, бе-ларусь, молдован, украин, латви, қозоқ, татар, чуваш, яҳудий, ўзбек болалари бўлган. Шоахмудовлар болаларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб, ўқитганлар. Айтиш жо-изки, Шоахмудовлар оиласи ин-сонпарварлигининг юксак намуна-сини қўрсатган оила сифатида та-рихда қолди.

Шунингдек, архив жамғармала-рида қўчириб келтирилганларнинг бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳужжатлар ҳам мавжуд. Қўчириш бўлимига Ўзбекистондаги қорхона ва муассасалардан мутахассис кадрлар зарурати ҳақидаги сўро-вномалар юборилган. Уларга асо-сан, қўчириб келтирилган фуқаро-ларнинг мутахассисликлари ўрга-



нилиб, улар иш билан таъминлан-ган.

Москва, Ленинград, Одесса, Ки-ровград каби шаҳарлардан кел-ган фуқароларнинг Тошкентга до-имий рўйхатга қўйиш бора-сидаги аризалари ҳам қаноатлантирилган.

Манбаларда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари кенгашининг 1943 йил 3 мартдаги қарори иж-росига кўра, эвакуация қилинган аҳолига 300 минг рублга тенг мод-дий ёрдам маблағи ажратилган-лиги ҳақида маълум қилинган.

Архивдаги ҳужжатлардан бири-да 1943-1944 йилларда Ленинград шаҳри ва Ленинград вилоятидан эвакуация қилинган фуқароларнинг рўйхати ўз аксини топган. Рўйхат-да ишчи ва хизматчилар ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган. Шунингдек, архив жамғармалари-да мазкур йилларда Россиянинг бошқа турли шаҳарларидан қўчи-риб келтирилган 2 минг 335 фуқа-ронинг рўйхати ҳам мавжуд.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Халқ комиссарлари кенгаши-нинг қарорлари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раисининг маъ-рузалари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оила аъзолари билан ёзилган хатларида немис босқинчиларига қарши бир жону бир тан бўлиб қаҳшатиқ зарба бериш учун рус, украин, беларусь, ўзбек, грузин, яҳудий, қозоқ ва туркманлар биларлиб, овқақ тур-ганликлари, турли миллат вакил-лари ҳамжиҳат бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ёритил-ган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ке-ракки, вақт ўтиб бorgan сари Ик-кинчи жаҳон уруши йилларида чи-накам инсонийлик намунасини қўрсатган юртдошларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси қадри ор-тиб бораверади. Халқимиз улар-нинг тинчлик йўлидаги буюк жа-соратини асло унутмайди.

Маъмурият ДАРМОНОВА,
ЎзРФА Тарих институти
катта илмий ходими.

ёшларни бирлаштириш, уларнинг бўш вақ-тини мазмунли ўтказиш ҳамда жиноятчилик-нинг олдини олишдан иборат, — дейди ДХХ Чегара қўшинлари кадрлар бошқармаси масъул офицери, майор Азизжон Маъмуров.

Шунингдек, ишчи гуруҳ йиғилишида му-собака шартларига бўлган кун талаби асо-сида ёшларнинг интеллектуал билимлари ва ахборот технологиялари, компьютер савод-хонлиги бора-сидаги билимларини ошириш бўйича қўшимча шартлар киритилиши мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида жорий йилги мусоба-қани юқори савияда ўтказиш бўйича вазифа-лар тақсимланиб, ташкилий масалалар аниқ белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

«ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР» МУСОБАҚАСИГА БОШҚАЧА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

1530, 3940. Бу рақамлар орасидаги фарқ анча катта. "Ёш чегарачилар" мусобақаси иштирокчилари сонини инфодаловчи мазкур фактлар ушбу беллашуларда ёшлар қарови ўтган йилда 2011 йилдаги нисбатан сезиларли даражада ортганидан дарак беради. Ўртада қолган йилларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бу кўрсаткич жами 28530 нафарни ташкил қилади.

Анжуман

Бу ўтган даврда ана шунча ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилди, улар қал-бида ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириш, муҳими, юртга содиқ қилиб тарбиялашдек эзгу ишларга ҳисса қўшилди, дегани.

Англаганингиздек, 2011 йилдан буён ўтқа-

зиб келинаётган ушбу мусобақада қатнашув-чилар сони йилдан-йилга ортапти. Бу ҳолат мазкур мусобақанинг қай тарзда ташкил эти-лиши, қўрилган тайёргарлик ишлари, уни ўтказишга масъул ташкилотларнинг ҳамкор-лиги ва масъулияти билан бевосита боғлиқ.

Пойтахтимизда ДХХ Чегара қўшинлари то-монидан "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпар-варлик мусобақасининг 2020 йилдаги ма-сумини ташкил этиш бўйича ўтказилган ишчи

гуруҳ йиғилишида ана шу масалалар муҳо-кама этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқич-га олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар дастурга мувофиқ, ушбу беллашуларни бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари кўма-гида юқори савияда ўтказиш режалашти-рилган.

— Уч босқичли мусобақанинг асосий мақ-сади ёш авлоддан ДХХ Чегара қўшинлари сафига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурча са-доқат руҳида тарбиялаш, шунингдек, респу-блика чегараолди ҳудудларидаги уюшмаган

МУАССИС ЎЗ НАШРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШИ
ЛОЗИМ

Давлатимиз раҳбарининг Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга оид қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди.

Давра суҳбати

Пойтахтимизда агентлик томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси муҳока-масига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда қатнашган соҳа мутасаддилари ва экспертлар қонун лойиҳасини янада тақомил-лаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақдирлари-ни билдирдилар.

Хўш, мазкур қонун лойиҳа-сининг амалдагиси билан фарқи жиҳатлари нималар-да акс этади ва қандай ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш қўзда тутилмоқда?

Таъкидлангани, амалдаги "Оммавий ахборот восита-лари тўғрисида"ги Қонунга бун-дан икки йил аввал зарур ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритилган. Аммо ўтган вақт мо-байнида соҳа фаолияти учун ўзига хос янги давр бошлан-гани, ахборот макони ишти-рокчилари талаб ва эҳтиёж-лари ўсгани, давлат органла-ри ҳамда ОАВ ўртасидаги му-носабатлар ҳам ошқоралик принципи асосида шаклланиб бораётгани ушбу ҳужжатни замон талаблари асосида қайта қўриб чиқиш зарурати-ни юзага келтирди.

Шу бос амалдаги Қонун-ни бир қатор концептуал тақ-дирлар асосида тўлдириш ре-жалаштирилган.

Жумладан, Италия тажри-баси асосида оммавий ахбор-от воситаларининг чиқиш маълумотларига ОАВ таъсис-чиси ва ҳомийлари тўғрисида маълумот жойлаштириш на-зарда тутилмоқда. Эксперт-ларнинг фикрича, ушбу маъл-умот ёрдамида оммавий ах-борот воситалари фаолияти-га амалдорларнинг таъсири

бор ёки йўқлигига аниқлик ки-ритилади.

Лойиҳага кўра, омма

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллигига



МОЗИЙ — ҲАҚИҚАТНИНГ ТАРОЗУСИДИР

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилда улуг аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонлинишни таъкидлади.

Хўш, ҳозирги кунда ушбу маърифатпарвар бобомиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга қандай эҳтиёж бор? Бехбудий ўзи ким эди?

Бутун ҳаётини эл-юрт хизмати-га сарфлаган бу инсон кенг қир-рали шахс эди. У Туркистонда би-риччилар қатори усули жаҳид — янги-ча таълим методига асослан-ган мактабларни ташкил этган. Ҳукумлар учун дастлабки дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳам ўзи ёзган. Биринчи ўзбек драматининг муаллифи ҳам Бехбудий.

Муаллим, ношир, драматург, журналист, сиёсий арбоб, қисқа-ча айтганда, Бехбудий фаолиятининг негизи жаҳидларга ҳақ маърифат тушуниши ана шундай серқирра асосга қўрилган.

Бехбудий 1913 йили “Самар-қанд” газетаси ва “Ойина” журна-лини ташкил этади. Газетанинг жами қирқ бешта, журналнинг эса олти миш саҳифага соҳиб бўлади. Ҳар икки нашрдан мақ-сад дунё билан танишмоқ, илмга даъват, мусулмонларнинг замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишларига тарғиб-таъшиқ эди, албатта.

Маърифатпарвар бобомиз ўзига масалла қилиб, эзгу дастурларни ижро қилиш, миллат тараққиёти йўлидаги асосий кўч сифатида ула-мони кўради, уларнинг ҳолис фао-лиятини умид қилади. “Ҳар мил-лат ва дин аҳлининг боши ва ҳодисини уламоқлар. Уламо ҳа-рати, албатта, тулба (талаблар — Б.К.) ичидан етиштириб чиқади. Уламо ҳазрати миллат учун диний ва дунёвий ишларга йўл қўйиш-чи ва тарбия эълончилари...”

Бехбудий “Ох ва ҳасрат” мақо-ласида халқнинг турмуш тарзини

Бошқа миллатлар иттифоқ ила иш-лаганда, биз бир-биримиз ила душманликга турсак, вой бизнинг ҳолимизга...”, деб ўртаниб ёзади у ўтти мақолаларининг бирида.

«Бехбудий ўз замонасида кўтарган ижтимоий-маиший ва маърифий масалалардан яна бири бузун ҳам кун тартибидида турибди. Бу тўйлардаги исрофлардир. У ёзади: “Катта тўй қилиб, хотун олган бир қисм бечораларни ҳолига йиғламоқ керак. Уч қулиқ тўйнинг азаси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликка сабаб бўлур” (“Ойина” 1913 йил, 6-сон). Тўй ва маъракаларга қилинган сарф-харажатни болаларни ўқитиш учун харжлаш керак. “Ақчалик оталар, албатта, тўй ва маъракага қизғонмаганларидек болани ўқитишга ҳам қизғонмаса керакдур”.

Бехбудий шогирдларини ҳам миллат раҳнаси йўлида дин ва дунё илмларини эгаллашга қақ-қарар эди. Ёшлардан умид этиб, уларнинг билим олишга зарур им-кониятларни яратишга ҳаракат қиларди.

Мутафаккир театрни ибратнома, ойна, ибратхона деб атади. Му-шароа-артистларнинг диалогои ва монологлари, хатти-ҳаракатлари ва имо-ишораларидан саноада турли табиатли инсонлар пайдо бўлади, воқеалик янгилашади, табиийки, ундан ибрат олинади. Бехбудий таъкидлаб, театрда “Кули ҳаққа ва-лав кана мурун”, яъни “Ақчиқ бўлса ҳам ҳақиқати сўзла” ҳадиси шарифининг “маънари”, яъни зоир бўлиш жараёни кузатилади. Ибрат-хона — театр шу зайдда ўзининг маънавий-маърифий, ижтимоий-маиший вазифасини бажаради. Бир мақоласида самарқандлик кўнгли-ли мушаррафлар “Падақуш”ни саҳ-нага қўйиб, “ҳосили маблаглари”-

“Катта тўй қилиб, хотун олган бир қисм бечораларни ҳолига йиғла-моқ керак. Уч қулиқ тўйнинг азаси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликка сабаб бўлур” (“Ойина” 1913 йил, 6-сон). Тўй ва маъракаларга қилинган сарф-харажатни болаларни ўқитиш учун харжлаш керак. “Ақчалик оталар, албатта, тўй ва маъракага қизғон-маганларидек болани ўқитишга ҳам қизғонмаса керакдур”.

Бошқа бир мисол. Дейлик, XX аср бошларида замона мос қайта шаклланаётган адабий тил, халқ тилининг қисмати ҳам Бехбудийни ўйлантирган эди. Тил софлиги ма-саласи кўтарилганда ҳар қандай тил қўшни тиллардан сўз олиши табиийлигини айтди: “Бегона тил-дан сўз олмақдан қутулган тил йўқ”. Аммо унинг меъдасини билиш лозим. Бехбудий 1915 йили “Тил масаласи” мақоласида арабчадан ўзбек тилига қўнган сўзларнинг қўлиқ шаклини, дейлик, “улум, фўнун, уламо, қўззо” тарзда эмас, балки ўзбекча табиатига мос ра-вишда “фанлар, илмлар, олимлар, қозилар” деб ёзиш кераклигини таъкид этади. Фикр ифодаси учун ҳамма вақт ёзма адабий тил баъ-ни тушунарли бўлиши лозим.

1917 йилнинг ёзида “Улуг-Туркистон” газетасида босилган “Баъни ҳақиқат” мақоласи “Билмоқ керакки: “Ҳақ олинур, берилма-дур!” деган бехбудийна ҳақиқат билан бошланади. Мазкур таъбир кейинроқ “Ҳақ олинур, берилмас” тарзда бошқа бир мақола-сига сарфлаб бўлади ва унинг тарки-бида уч марта такрор келади. Унда муаллиф замона аҳлини қадим ва жаҳид низооларини бир ёнга қўйиб, қўлини қўлга бериб, бирлаштишга чақиради. Мақолалардан яна би-рида боболарнинг содда, аммо пурмаъно ҳикмати келтирилади: “Бир даста таъқиқ бирга болсан-ғиз, кимса сиңдирилмас. Агарда ажратсанғиз, бир-бирин ҳар ким сиңдирди”. Тинчлик, ҳамжihatлик, аҳулиқ ҳар қачонгидан долзарб-лашиб бораётган ҳозирги кўнми-з учун ҳам бу огоҳлик қўнғироғи бўла олади.

Умуман, ўз вақтида улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маъри-фий фикрларни ўртага ташлаган Маҳмудхўжа Бехбудий фаолиятига эътибор берсак, бугун ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар, эл-юрт келажаги учун қайғурган фикри тинч зиёли, қарашлари кенг фи-доий инсон кўз олдимизда гавдаланади. Тасаввурга эрк берилса, “Мозий — ҳақиқатнинг тарозусидир”, деган бу инсон гўё тарик қазыридан бизга қараб, бугунги мушакил, ҳурриятли, озоқ қўнлар-ни, ўзининг муъаззам орузси рўёбга чиққан замонани гоийбона кўриб, қўвониб тургандек бўлади.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Тожикистон Республикаси
фуқаролари диққатига!

2020 йил 1 март кун
Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон
Мажлиси Оли депутатлари сайлови
бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳридаги Тожикистоннинг Ўзбекистондаги
элчихонасида Душанбе шаҳри, Шохмансур тумани
3-сайлов округининг сайлов участкаси ташкил қилинган.
Фуқаролар 2020 йил 1 март кун соат 8.00 дан
20.00 гача ушбу сайлов участкасида овоз бериш орқали
ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг вилоят марказларида мuddатидан олдин
овоз бериш ва овоз беришни ташкил этиш учун аризалар
қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади:

71-215-67-75.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Абдулла Қаҳҳор, 6-тор кўчаси, 61-уй.

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига
ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам,
қулай ҳамда камхаражатли мотокультиваторларни
тавсия қилади.



«TIGUAN» русумли
мотокультиваторлар
6, 7, 9 ва
13 от қучига эга.

Дизель
ҳамда
бензин
ёнилғисид
ишлайди.

Махсулотлар сертификатланган ва қафолатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор
кўчаси, 52-уй. Мўлжал: Crafers фабрикаси ва Ҳарбий госпиталь.
Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68,
90-968-56-77, 90-989-09-62, 95-479-79-89.

www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

ЗАМОНАВИЙ БАНК АМАЛИЁТИ, МЕНЕЖМЕНТИ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

«Туронбанк» фаолиятининг муҳим устувор йўналишларидан биридир

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизимини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Шу асосда мамлакатимиз молия муассасалари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Туронбанк” АТБ тизимида рақамли технологияларни қўллаш, кенг қўламли трансформация дастурини амалга ошириш, шунингдек, энг асосий мақсад — миқоз учун ишлашга катта эътибор қаратиляпти. Замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш ҳам банкнинг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ана шу тавомиллардан келиб чиққан ҳолда, мунтазам равишда пресс-тур, тадбиркорлар билан учрашув ҳамда ёшлар билан мулоқотлар ўтказиб келинаётир. “Туронбанк”нинг навабатдаги пресс-тури Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларига уюштирилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлар ҳамда ёшлар қатнашди.



Кредит эвазига иш бошлаган корхоналар

Иштирокчилар дастлаб Қарши шаҳридаги “Ширин ният барака” МЧЖга ташир бўлишди. Мазкур корхона 2019 йилда “Туронбанк”нинг 4,5 миллион АҚШ долларлик кредити эвазига ташкил этилган бўлиб, бу ерда, асосан, турли мева-сабзавот ва қўкатлар саноат усулида қури-тилади, қадқолланади ҳамда экспортга йўналтирилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қўра, йил давомида Россия, Қозғистон, Хитой каби давлатлардаги ми-жозларга етказиб бериладиган махсулот-ларнинг умумий қиймати 3,0 млн. дол-лардан иборат бўлиши прогноз қилинмоқ-да. Ушбу корхонада махсулотлар сони ва сифатини янада ошириш устида тиним-сиз изланишлар олиб бориляпти.

— Айни пайтда корхонамизда ўттиз на-фардан зиёд юртдошларимиз доимий иш билан таъминланган, — дейди “Ширин ният барака” МЧЖ раҳбари Шерзод Асодов. — Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, Хитой давлатидан келтирилган те-хнологик ускуналар ёрдамида ўз ишини пухта-пишиқ амалга оширишмоқда. Жамоа аъзоларининг маданий ҳордиқ олишлари ҳамда спорт билан шуғулланиш-лари учун барча шароит яратилган.

Ўзимизнинг инфокиосклар

Кейинги манзил Қарши шаҳридаги “Promax” МЧЖдир. Бу корхона ҳам “Ту-ронбанк” билан яқиндан ҳамкорлиқни йўлга қўйган. “Promax” МЧЖ “Туронбанк”-нинг 310 миллион сўм миқдоридagi маб-лағи эвазига фаолиятини ривожлантир-ган. Ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонада банк хизматларини амал-га оширадиган инфокиосклар ишлаб чиқа-рилади. Махсулотлар, асосан, ички бо-

зорга, тадбиркорларга етказиб берилмоқ-да. Жорий йилдан эътиборан қўшни Тожикистон Республикасига сотила бо-шланади. Қолаверса, тожикистонлик ҳам-корлар билан махсулотлар турини оши-риш юзасидан бир қатор лойиҳалар ҳам таъйинланмоқда.

— Йилига 800 донна инфокиоск ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона раҳбари Фарход Раҳимов. — Албатта, биз бу ра-қам билан чеklangиб қолмаймиз. Келгу-сида бир қатор замонавий банк хизмат-ларини қўрсата оладиган инфокиосклар устида ҳам ишламоқдамиз. Яқин келажа-да миқдорларимизга ана шу махсулотлар-ни тақдим этамиш. Умуман олганда, мақ-садимиз — экспортбоп махсулотлар со-нини янада кўпайтиришдир.

«Оқсарой»да қулайликлар кўп

Шаҳрисабз шаҳрида “Туронбанк” АТБнинг “Оқсарой” банк хизматлари офисининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, бу ерда журналист-лар банк томонидан аҳоли учун жорий этилаётган қўллаб-янгиликлар, қўлайлик-лар ҳамда амалга оширилиши режа-лаштирилаётган инновацион лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлилар.

“Туронбанк” АТБнинг “Оқсарой” банк хизматлари офисиди беш нафар малака-ли мутахассис томонидан аҳоли ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизмати сифатли ва тезкор тарзда қўрсатилади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, банк хизматлари офисидида банкдан ҳисоб ра-қам очган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун бир қатор қўлайликлар ҳам яратил-ган. Жумладан, замонавий иловалар ор-қали миқозлар ҳисоб рақамидидаги маб-лагларини ўзлари банк ҳодимларисиз

тадбиркорлар, ёшлар ҳамда аҳолининг кенг қатлами вакиллари билан яқиндан мулоқотлар, учрашувлар ўтказиб келин-моқда. Бунда нафақат банк хизматлари тақлиф қилинляпти, балки миқозларнинг муаммоларига шу ернинг ўзида ечим из-ланмоқда. Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилган учрашув ҳам қизгин муҳоаза-ларга бой бўлди.

Тадбирга савдо-сотик, ҳўнармандчи-лик, ишлаб чиқариш, қорвачилик каби тармокларда фаол меҳнат қилиб келаёт-ган 400 га яқин фуқаролар таширф бу-юрди. Унда “Туронбанк” АТБ раҳбарияти,



Кискача айтганда, халқ би-лан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш мавжуд камчилик-ларни бартараф этиш, одам-ларнинг дарду тавишларига малҳам бўлишга хизмат қил-моқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ин-сонларнинг дарду тавишларини ўйнаб яшаш — одамийлик-нинг энг олий мезонидир.

Ҳаммаси ёшлар учун

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш, уларнинг жамиятда муно-сиз ўрин эгаллашлари учун яқиндан кўмак қўрсатиш Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўз ўрнида ёшларимиз ҳам бундай имкониятлардан умумий фойдаланади, турли соҳаларда иктидор ва истеъодларини кенг намойиш этиб келишмоқда. “Туронбанк” АТБ масъулларининг Шаҳрисабз шаҳрида ёшлар билан учрашувда ҳам бу ҳақиқат яққол намоён бўлди.

Анқуманда банкнинг жойлардаги фи-лиалларидан тақлиф этилган 50 нафар ёш, илгор мутахассислар иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, “Туронбанк” раҳбарияти ёш, иктидорли мутахассис-ларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳ-нат қилиш ва яшаш шароитларини яхши-лаш борасида зарур чораларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, анқуманда молия муасса-си томонидан қўрсатилаётган замона-вий банк амалиёти, менежменти, хизмат-лари ҳамда ҳодимларнинг малакасини ошириш юзасидан маърузалар ўқилди.

мутахассисларга мурожаат қилдим ва муфассал жавоб олдим. Келгусида “Ту-ронбанк” билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтири-моқчиман.

Шаҳрисабзлик Толибжон Исоқов эса қорвачилик билан шуғулланади. Унинг фермер хўжалигида юз бошдан ортиқ қорамоллар бор. У анча вақтдан бунён чор-ва сонини кўпайтиришни режа қилиб юр-ди. Мазкур учрашувда эса ана шу нияти рўёбга чиқди. Банк ҳодимларига бошлаган иштини тушунтирди ва молиявий кўмак сўради, натижада эса ушбу масала ижо-бий ҳал этилди.

Кискача айтганда, халқ би-лан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш мавжуд камчилик-ларни бартараф этиш, одам-ларнинг дарду тавишларига малҳам бўлишга хизмат қил-моқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ин-сонларнинг дарду тавишларини ўйнаб яшаш — одамийлик-нинг энг олий мезонидир.

Олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўз ўрнида ёшларимиз ҳам бундай имкониятлардан умумий фойдаланади, турли соҳаларда иктидор ва истеъодларини кенг намойиш этиб келишмоқда. “Туронбанк” АТБ масъулларининг Шаҳрисабз шаҳрида ёшлар билан учрашувда ҳам бу ҳақиқат яққол намоён бўлди.

Анқуманда банкнинг жойлардаги фи-лиалларидан тақлиф этилган 50 нафар ёш, илгор мутахассислар иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, “Туронбанк” раҳбарияти ёш, иктидорли мутахассис-ларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳ-нат қилиш ва яшаш шароитларини яхши-лаш борасида зарур чораларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, анқуманда молия муасса-си томонидан қўрсатилаётган замона-вий банк амалиёти, менежменти, хизмат-лари ҳамда ҳодимларнинг малакасини ошириш юзасидан маърузалар ўқилди.

Пресс-тур

Шунингдек, “Туронбанк” тизимидаги ижро интизомни, жисмоний ва юридик шахслар-нинг мурожаатлари билан ишлаш ти-зимини янада такомиллаштириш, банк ҳодимларининг одоб-ахлоқ ко-декси талабларига қатъий риоя этиш-ларини таъминлаш борасида маълумотлар берилди. Чакана кредит турлари, уларни ажратиш тартиби, банк хизматлари офисларини янада кўпайтириш орқали халқимизга сифатли банк хизматларини қўрсатиш масалаларига ҳам алоҳи-да эътибор қаратилди.

Банкнинг марказий аппарати ҳамда жойлардаги филиалларида ра-қамли технологияларни қўллаш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Бун-да ҳар томонлама замонавий билимга эга ёшларнинг ўрнини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Қолаверса, ҳозирги кунда илгор ёшлар томонидан бир қатор мобил ило-валарни банк фаолиятига таътиқ этиш бо-расида олиб борилаётган изланишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Тадбирда банк ҳодимлари, хусусан, эртанги кўнмишнинг таянчи ва сунъи бўлган ёшлар учун барча филиалда хо-рижий тилларни ўрганиш бўйича қўрсалар ташкил этилган, қўғубхона, спорт зал-лари мунтазам ишлаб тургани қайд этил-ди. “Ўстоз — шогирд” анъанаси ўз мева-сини бераётгани таъкидланди.

Тадбирда билидрилган барча тақлиф ва тавсиялар атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, семинар доирасида психолог Барно Илҳомова иштирокчида психологик сеанс амалга оширилди. Унда “Банкирин-нинг касб одоб-ахлоқ кодекси” талаби, этикаси, профессионал бурча бўлган масъулияти, лавозим мажбуриятларига риоя этиши ҳамда миқозларга юқори даражада банк хизмати қўрсатиш бўйи-ча тегишли тушунарлар берилди.

Учрашувлар, мулоқотлар давом этади

Семинар сўнгида иштирокчилар Шаҳ-рисабзнинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий масканларини қўздан кеңириш-ди. Хусусан, “Оқсарой” меъморий ёдгир-лиги, Яқабоб туманидаги Ҳўжа Муҳаммад ибн ал-Қосим мақбарасини зиёрат қилишди. Кискача айтганда, бу галги се-минар-тренинг ҳар жиҳатдан самарали кечди. Банк ҳодимлари ўз малакасини ошириш билан бирга, ҳудуднинг ички ту-ризм имкониятлари билан ҳам яқиндан танишди.

“Туронбанк” бундай пресс-турларни республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам ташкиллаштиришни режалаштирмоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

ТАХРИРГАТ КЕЛГАН ҚЎЎМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА
МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани
расмийлаштирган тавсияот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ахбатдан сифатли чоп этилишига
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ў.А. Якуни — 02.50 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6